

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖАЗОЛАРНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ЎРНИ

Корабаев Рустам Хатамович

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10875167>**

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада, жазоларни декриминализация қилиш тушунчаси, судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш имкониятини ошириш, мазкур тоифадаги жазоларни ижро этиш тизимидаги ўзгаришлар ҳамда Пробация хизмати фаолияти ҳақида сўз юритилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар “Инсон-жамият-давлат” тамойили асосида амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари ва механизмлари енг юқори даражада-Асосий қонун даражасида кучайтирилди. Зеро Янги Ўзбекистонда умум эътироф этилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш билан бирга уларга риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш асосларини ҳам кучайтириш мақсад қилиб олинган.

Тараққиётнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” стратегияси қабул қилинди ва бу стратегияда келажакда амалга оширилиши лозим бўлган 100 та мақсад белгилаб олинди.

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” стратегиясида белгиланган устувор мақсадларда судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти ва тайинланган жазолар самарадорлигини ошириш орқали шахсни қайта жиноят содир этиш йўлига кирмаслигига эришишга ҳам урғу берилган.

Хусусан, стратегиянинг “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар” йўналишида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш амалиётини 30 фоиздан 20 фоизга тушириш мақсад қилинган¹.

Бугунги кунда олиб борилган таҳлиллар натижаси жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш орқали уларни ахлоқан тузатиш самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Биз айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва либераллаштириш, жиний жазоларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда 2018 – 2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясини қабул қилишимиз ва амалга оширишимиз зарур” деган аниқ таклиф ва фикрлар илгари сурилган.

Шундан сўнг, Президент Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони
<https://old.lex.uz/docs/6600413>

Мурожаатномасида бу йўналишда амалга оширилган ишлар натижасига тўхталиб “Натижада бу йил судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди”² дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Амалга оширилаётган ислохотлар жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳамда айрим турдаги қилмишларни декриминализация қилишда изланиш ва тадқиқот олиб борилишини талаб қилади.

Декриминализация атамаси юзасидан кўплаб олимлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган бўлиб, биз улар орасидан ҳуқуқшунос олим Қ.Р.Абдурасулова, Н.С.Салаев, Д.Ю.Каракетоваларнинг “депенализация декриминализациянинг узвий давоми эмас. Чунки декриминализация қилмишнинг жинойишлигини (демакки, унинг жазога сазоворлигини ҳам) бутунлай бекор қилишда ифодаланади, яъни декриминализация бу маънода ўзига хосликка эга. Депенализация эса жазо турларининг жазолаш имкониятининг камайтирилиши томон ўзгартирилишида, Жиноят кодекси Махсус қисмидаги муайян жиноятлар учун санкция ҳажмининг пасайтирилишида намоён бўлади”³, деган фикрларига қўшиламыз.

Шунингдек, декриминализация турлари ҳақида Н.С.Салаевнинг декриминализациянинг нисбий ва мутлақ тури мавжуд бўлиб, нисбий декриминализация муайян қилмишни жиноятлар қаторидан чиқариш учун тўлиқ шарт-шароит юзага келмаган тақдирда амалга оширилади⁴, деган фикрларига қўшиламыз.

Нисбий декриминализациянинг қуйидаги шакллари мавжуд:

қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун қўшимча белгининг киритилиши. Масалан, қилмишни жиноят деб топишда айбнинг муайян шакли (тўғри қасд) мавжудлиги, ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқиши, зарар етказилиши билан боғланиши; маъмурий преюдициянинг белгиланиши (маъмурий преюдиция деганда, қилмишни жиноят деб топиш учун уни содир этган шахсга нисбатан илгари худди шундай қилмиши учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши ва бу шартнинг Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддасида белгилаб қўйилганлиги тушунилади);

қилмишни жиноят деб топишни оғирроқ оқибатнинг рўй бериши билан боғлаш; жиноятни ижтимоий хавфлилик даражаси кам бўлган жиноятлар тоифасига ўтказиш; қилмишнинг квалификациясига бевосита таъсир этувчи, жиноят қонунида белгиланган муайян миқдор кўрсаткичларининг ўзгартирилиши (пасайтирилиши).

Мутлақ декриминализация деганда, муайян қилмишнинг жиноятлар қаторидан тўлиқ, яъни бутунлай чиқариб ташланиши тушунилади. Бундай ҳолларда жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини ифодаловчи муайян турдаги белгилар (жиноят таркиби) ижтимоий зарурат туфайли мутлақ бекор қилинади⁵.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29-декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

³ Абдурасулова К.Р, Салаев Н.С, Каракетова Д.Ю. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилиш муаммолари. Монография. – Т: Noshir, 2014. – Б. 9

⁴ Абдурасулова К.Р, Салаев Н.С, Каракетова Д.Ю. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилиш муаммолари. Монография. – Т: Noshir, 2014. – Б.10

⁵ Жиноятларни квалификация қилиш - бу содир этилган қилмиш белгилари билан Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноят таркиби белгиларининг бир-бирига тўлиқ мос келишини аниқлаш ва юридик

Муайян жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга эмаслиги аниқлангач, қонун чиқарувчи томонидан декриминализация қилиниши мумкинлигидан келиб чиқиб, буни мақсад қилинган натижага эришиш йўллари билан бири эканлигини қайд этиш лозим.

Шунингдек, бугунги кунда жиноят кодекси махсус қисмида назарда тутилган айрим моддалар санкциясида фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган жиноятлар ҳам мавжуд.

Шунга кўра, жиноят кодексида фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган моддаларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олган ҳолда санкциясини алтернатив жазо турлари билан бойитиш лозим бўлади. Бу судларга мазкур тоифадаги жиноятни содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг бирини танлаш имкониятини оширади.

Судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш тенденциясини оширишда шахсни қайта жиноят содир этиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки муқаддам жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўтаган шахс томонидан қасддан янги жиноят содир этиши уни ҳулқи қайта тарбияланмаганлигидан далолат беради. Шунга кўра озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини назорат қилувчи органлар фаолиятини ҳам таҳлил этиш лозим.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони ўтаётган маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг таъминлаш, шунингдек, қайта жиноят содир этиш йўлига киришини олдини олиш мақсадида, уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштирилиб келинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябридаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли Қарори билан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларни назорат қилиш тизими такомиллаштирилди. Унга кўра 2019 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузурида Пробация хизмати ва тегишлича унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди.

Дунё давлатлари тажрибасига кўра Пробация хизматини ҳам ўз навбатида бир неча турларга ажратиш мумкин.

Жумладан, **Судгача пробация** - суд томонидан ҳукм чиқарилаётганда ҳисобга олинган муайян жиноятчининг психологиясини ўрганиш ва унинг ижтимоий хусусиятларини ўрганишдан иборат (Буюк Британия, Венгрия, Словакия).

Пенитенциар пробация - жазони ўташнинг якуний босқичида маҳкумни озодликка тайёрлаш мақсадида уни қайта ижтимоий тузатиш бўйича пенитенциар муассасалардаги тадбирлар мажмуасини ташкил этади (АҚШ, Швеция, Латвия).

Ижроия пробация - озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм

қилинган шахсларни назорат остига олиш ҳамда суд томонидан унга юклатилган вазифаларни бажармаганлиги учун уни пробацация назоратини бекор қилиб, жазони ҳақиқатдан ўташи учун қамоқхонага юбориш ваколатига эга (Австрия, Буюк Британия, Венгрия, Хитой, Латвия, Нидерландия, Словакия, АҚШ, Франция, Финляндия, Швеция, Швейцария, Эстония, Япония).

Постпенитенциар пробацация - жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни жамиятга қайта мослаштиришдан иборат. Шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилинганларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам олишда, шунингдек уларга нисбатан маъмурий назоратни маҳаллий полиция хизмати инспекторлари амалга оширишда ёрдам беради (Австрия, Буюк Британия, Венгрия, Хитой, Латвия, Нидерландия, Словакия, АҚШ, Франция, Финляндия, Швеция, Швейцария, Эстония, Япония)⁶.

Янги ташкил этилган Пробацация хизмати озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларни назорат қилиш, ушбу тоифа шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ўқишга ва ишга жойлаштириш, назорат остидагиларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш, энг асосийси, шахсни тарбиялаш масалаларига эътибор қаратилиб, ички ишлар органларида Пробацация хизмати фаолияти ташкил этилибгина қолмасдан, қисқа муддат давомида уни янада такомиллаштириш, бу тизимнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, назоратдаги шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди ва бу йўналишда тегишли қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштирилиб келинмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, судлар томонидан жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашда жиноят қонунчилигида чегараланмаган имкониятлар ва жиноятларни декриминализация қилиниши ҳамда шахсни қайта жиноят содир этиши таъсир этади, шунга кўра фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини тизимли равишда ошириб, жиноят кодекси моддасининг санкциясини алтернатив жазо турлари билан бойитиш, жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялашда назорат қилувчи органлар фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб бориб, бу йўналишларда амалга оширилаётган ишлар натижалари таҳлил қилиб бориш лозим бўлади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь Тошкент шаҳри.
2. “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4006- сон қарори 2018 йил 7 ноябрь Тошкент шаҳри
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси 2020 йил 29-декабрь Тошкент шаҳри.

⁶ Д.Н.Умаралиева //Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро қилишда пробацация хизматининг ўрни ва бугунги кундаги мавжуд айрим муаммолар // . “PEDAGOGS” international research journal. –Т., Volume-25, Issue-1, January - 2023., <https://www.pedagoglar.uz/index.php/ped/article/view/2515>.

4. **“Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-158-сон Фармони 2023 йил 11 сентябрь Тошкент шаҳри.
5. “Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йилнинг 14 февраль 84-сон қарори
6. Абдурасулова К.Р, Салаев Н.С, Каракетова Д.Ю. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилиш муаммолари. Монография. – Т: Noshir, 2014.
7. Жиноятларни квалификация қилиш - бу содир этилган килмиш белгилари билан Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноят таркиби белгиларининг бир-бирига тўлиқ мос келишини аниқлаш ва юридик жиҳатдан мустаҳкамлашдир (Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Р. Кабулов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2014.
8. Д.Н.Умаралиева //Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро қилишда пробация хизматининг ўрни ва бугунги кундаги мавжуд айрим муаммолар // . “PEDAGOGS” international research journal. –Т., Volume-25, Issue-1, January - 2023.